



# YURISPRUDENSIYA

HUQUQIY ILMIY-AMALIY JURNALI

2021/5



# MUNDARIJA

12.00.01 – DAVLAT VA HUQUQ  
NAZARIYASI VA TARIXI.  
HUQUQIY TA'LIMOTLAR TARIXI

- |    |   |
|----|---|
| 6  | <b>ОДИЛҚОРИЕВ ХОЖИМУРОД ТҮХТАМОРДОВИЧ</b><br>Қонунчиллик ҳужжатлари тизимини такомиллаштиришнинг замонавий ҳуқуқий асослари                       |
| 14 | <b>МУХИТДИНОВА ФИРЮЗА АБДУРАШИДОВНА</b><br>Роль преемственности трудов Гафура Гуляма в развитии духовно-просветительских традиций будущих юристов |
| 21 | <b>ISMOILOV BEKJON SALIOVICH</b><br>Nogironligi bo'lgan shaxslar ta'limi sohasida O'zbekiston qonunchiligini takomillashtirish muammolar          |
| 31 | <b>ШАЯКУБОВ БАБУР АХМАДЖАНОВИЧ</b><br>Стратегическое планирование: теоретические и методологические аспекты                                       |

12.00.02 – KONSTITUTSIYAVIY HUQUQ.  
MA'MURIY HUQUQ.  
MOLIYA VA BOJXONA HUQUQI

- |    |  |
|----|--|
| 39 | <b>БЕКОВ ИХТИЁР РУСТАМОВИЧ</b><br>Ўзбекистонда кўп partiyaviy tizimning shaklaniishi va rivojlaniishi        |
| 50 | <b>RAKHIMOV DILMURODJON GULOMJON OGLI</b><br>Some issues of the legal status of civil servants in Uzbekistan |

12.00.03 – FUQAROLIK HUQUQI.  
TADBIRKORLIK HUQUQI. OILA  
HUQUQI. XALQARO XUSUSIY HUQUQ

- |    |   |
|----|---|
| 59 | <b>БОЗАРОВ САРДОР СОХИБЖОНОВИЧ</b><br>Искусственный интеллект: возможна ли ответственность роботов? |
|----|---|

12.00.04 – FUQAROLIK PROTSESSUAL  
HUQUQI. XO’JALIK PROTSESSUAL  
HUQUQI. HAKAMLIK JARAYONI VA  
MEDIATSIYA

- 70 **ХАБИБУЛЛАЕВ ДАВЛАТЖОН ЮЛЧИБОЕВИЧ**  
Fuqarolik ishlari bўйича биринчи инстанция суди ҳужжатларини takomillashaftirosh masalalari
- 81 **ҲАКБЕРДИЕВ АБДУМУРАД АБДУСАЙДОВИЧ**  
Ҳакамлик судининг ҳал қилув қарорини якunий bosqich sifatida ihxiёriй ijro etishi
- 88 **PIRMATOV OTABEK SHAVKATOVICH**  
Fuqarolik sud ishlarini raqamlashtirishda sun’iy intellektning o’rni
- 95 **XUDOYNAZAROV DADAXON AVAZ O’G’LI**  
Iqtisodiy sud ishlarini yuritishda prokuror ishtirokining ayrim masalalari
- 101 **DAVRONOV DONIYORBEK ABDULLO O’G’LI**  
Fuqarolik sud ishlarini yuritishda protsessual majburlov choralarini tadqiq etish muammolari
- 110 **ХАЙРУЛИНА АСАЛЬ БАХОДИРОВНА**  
Возникновение и развитие альтернативных способов разрешения споров: национальный и зарубежный опыт
- 117 **BEBUTOVA ZARNIGOR FAXRIDDINOVNA**  
Fuqarolik protsessida advokat faoliyatining dolzarb muammolari: milliy va xorijiy tajriba
- 125 **СУБХОНОВ ШЕРАЛИ МУХАММАД УГЛИ**  
Некоторые вопросы совершенствования механизма исполнения судебных решений о взыскании алиментов
- 133 **ГАЗИЕВ ШАХРУХ МУРОДАЛИЕВИЧ**  
Харбий ijtimoiy-huquqiy ximoya: tushunchasi va moxijati
- 140 **ТОШОВ МУХАММАД РАЖАБОВИЧ**  
Ўриндошлик асосида ishlamайдиган boşqa xodimning ishga қабул қилиниши, shuningdek, ўриндошлик иши cheklanganligi sababli mehnat shartnomasini bekor қилиш masalalari

12.00.05 – MEHNAT HUQUQI.  
IJTIMOIY TA’MINOT HUQUQI

**12.00.08 – JINOYAT HUQUQI.  
HUQUQBUZARLIKLARNING OLDINI  
OLISH. KRIMINOLOGIYA.  
JINOYAT-IJROIYA HUQUQI**

- 148 **SUNNATOV VOHID TOSHMURODOVICH**  
Qilmishni kvalifikatsiya qilish tushunchasi,  
metodologik asoslari va bosqichlari

- 156 **ТОШПҮЛАТОВ АКРОМ ИКРОМОВИЧ**  
Жиноят-хукукий принциплар: моҳият,  
тушунча ва белгилар

- 166 **ALOYEV ULUG'BEK MAXMUDOVICH  
ROZIMOVA QUNDUZ YULDASHEVNA**  
Korrupsiyani keltirib chiqarishga ta'sir etuvchi  
omillar

- 174 **АНОРБОЕВ МУРОДЖОН  
РАХМАНКУЛ УГЛИ**  
Общая характеристика преступлений  
против правосудия

**12.00.10 – XALQARO HUQUQ**

- 182 **USMANOVA SURAYYO BULTAKOVNA**  
The legal and institutional regulation of tourism  
in the Republic of Uzbekistan: emergence and  
development

**13.00.02 – TA'LIM VA TARBIYA  
NAZARIYASI VA METODIKASI  
(SOHALAR BO'YICHA)**

- 190 **АЗИМОВ ҲАКИМАЛИ ИМОМОВИЧ**  
Амир Темурнинг тарихий мероси – инсоният  
тараққиётининг муҳим омили

UDC: 347.9(042)(571.1)  
ORCID: 0000-0002-8355-3983

## ФУҚАРОЛИК ИШЛАРИ БЎЙИЧА БИРИНЧИ ИНСТАНЦИЯ СУДИ ҲУЖЖАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Ҳабибуллаев Давлатжон Юлчибоевич,  
ТДЮУ “Фуқаролик процессуал ва  
иқтисодий процессуал ҳуқуқи”  
кафедраси мудири, юридик фанлар номзоди, профессор,  
e-mail: davlat.xabibullayev@mail.ru

**Аннотация.** Мазкур мақолада фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суди ҳужжатлари тушунчаси ва уларнинг турлари таҳлил этилган. Ҳусусан, суд ҳужжатлари тушунчаси ва турлари, бу борадаги ҳуқуқшунос олимларнинг илмий-назарий қараашлари ўрганилган. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, унинг ўзига хос хусусиятлари, уларга қўйилган талаблар таҳлил этилган. Суд ҳал қилув қарори хулоса қисмida нималар қўрсатилиши, бу бўйича хорижий давлатлар тажрибаси қиёсий таҳлил этилиб, миллий фуқаролик процессуал қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар илгари сурилган. Шунингдек, ишда сиртдан иш юритиш тушунчаси, мақсади ва унинг ўзига хос процессуал хусусиятлари, сиртдан иш юритиш бўйича хорижий тажриба таҳлил этилди ва миллий процессуал қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан тегишли тавсиялар берилди. Бундан ташқари, ушбу мақолада суд ажрими тушунчаси ва уларнинг таснифи илмий-назарий ўрганиб чиқилди. Ҳуқуқшунос олимларнинг илмий қараашлари таҳлил этилиб, суд ажримларини таснифлаш мезонлари қўрсатиб берилди. Биринчи инстанция судининг ҳужжати сифатида суд буйруғи ва унинг аҳамияти, бу борадаги суд амалиёти, суд статистик матъумотлари ўрганилди ва хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилиги қиёсий таҳлил этилди.

**Калит сўзлар:** суд, судья, одил судлов, фуқаролик ишлари бўйича суд, суд ҳужжатлари, суд ҳал қилув қарори, ажрим, суд буйруғи, сиртдан ҳал қилув қарори, сиртдан иш юритиш.

## ВОПРОСЫ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ АКТОВ СУДА ПЕРВОЙ ИНСТАНЦИИ ПО ГРАЖДАНСКИМ ДЕЛАМ

Ҳабибуллаев Давлатжон Юлчибоевич,  
кандидат юридических наук, профессор,  
заведующий кафедрой “Гражданское процессуальное  
и экономическое процессуальное право”  
Ташкентского государственного юридического университета

**Аннотация.** В статье анализируются понятие и виды судебных актов по гражданским делам, выносимых судом первой инстанции. В частности, были изучены понятие и виды судебных актов, научно-теоретические взгляды ученых-юристов в данной области. Проанализированы с научно-теоретической точки зрения решение суда первой инстанции, его особенности и предъявляемые к нему требования. Сделан сравнительный анализ опыта зарубежных стран по вопросам содержания резолютивной части решения, были даны предложения и рекомендации по совершенствованию национального гражданского процессуального законодательства. В исследовании также были проанализированы понятие заочного производства, его цель и процессуальные особенности, зарубежный опыт в сфере заочного производства, были даны рекомендации по совершенствованию национального процессуального законодательства. Кроме того, в данной исследовательской работе с научно-практической точки зрения были изучены понятие и классификация определения суда. На основе судебной практики и судебной статистики проанализированы научные взгляды ученых-правоведов и указаны критерии классификации судебных определений. Был

проанализирован судебный приказ как вид судебного акта и его значение, изучена судебная практика и судебная статистика, проведен сравнительный анализ гражданского процессуального законодательства зарубежных стран.

**Ключевые слова:** суд, судья, правосудие, суд по гражданским делам, судебные акты, решение суда, определения, судебный приказ, заочное решение, заочное производство.

## ISSUES FOR IMPROVING THE FIRST INSTANCE COURT DECISIONS ON CIVIL CASES

**Khabibullaev Davlatjon Yulchiboyevich,**

Candidate of Law, Professor,

Head of the Department "Civil Procedural and Economic procedural law"

Tashkent State University of Law

**Abstract.** In this article, the concept of first instance court decisions in civil cases and their types have been analyzed. In particular, the concept and types of court decisions, the scientific and theoretical views of legal scholars in this area were studied. The first instance court decisions, its peculiarities, the requirements to them have scientifically and theoretically been examined. Some items have been revealed in the final part of the court decision as well as a comparative analysis of the foreign countries' experience in this regard, and suggestions and recommendations for improving the national civil procedural legislation have been discussed in the article. The work also analyzes the concept, objectives and specific procedural features of external proceedings, foreign experience in external proceedings, and comments that do not necessarily need to improve national procedural management. In addition, in this research work, the concept of court rulings and their classification have been studied in scientific theory. The scientific views of legal scholars were analyzed and the criteria for classifying court rulings were indicated. As another document of the first instance court, the court order and its significance, its role in court decisions, comparative analysis of civil procedural legislation of foreign countries, judicial practice, court statistics were also studied and examined.

**Keywords:** court, judge, justice, civil court, court documents, court decision, ruling, court order, absentee decision, absentee proceedings.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-хуқуқ ислоҳотлари натижасида судларнинг одил судловни амалга оширишдаги холислиги ва мустақиллигининг кафолатлари хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланди. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон, 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2018 йил 13 июлдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва суд ҳоқимияти органларига ишончни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5482-сон ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 июлдаги “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6034-сон фармонларининг қабул қилинishi мамлакатимизда суд-хуқуқ тизимини яна-

да демократлаштириш ва эркинлаштириш, одил судловни амалга оширишда айни муддао бўлди.

Мазкур фармонларда фуқаролик суд ишларини юритишида одил судловни амалга ошириш сифатини янада яхшилаш, судларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда қонуний, асосли ва адолатли қарорлар чиқариш бўйича масъулиятини янада ошириш каби муҳим вазифалар белгилаб берилди.

Шу боисдан судлар томонидан фуқаролик суд ишларини юритишида чиқариладиган ҳал қилув қарори, ажрим, суд буйруқларини тўғри расмийлаштириш, ҳал қилув қарорларида иш ҳолатларини тўлиқ ифода этиш, далилларга тўғри хуқуқий баҳо бериш ва аниқланган ҳолатларни хуқуқий мушоҳада қилиш, низо бўйича суднинг хulosалари ишнинг ҳақиқий ҳолатларига мос бўлиши, моддий ва процессуал хуқуқ нормалари тўғри баён этилиши энг асосий вазифалардан биридир.

Бироқ ҳозирги кунда суд амалиётида судлар томонидан ажрим ва ҳал қилув қарорлари чиқариш ва моддий хуқуқ нормаларини

татбиқ қилишда хатоликлар учраб турибди. Айрим суд қарорларида иш бўйича суд томонидан аниқланган ҳолатлар тўлиқ кўрсатиб ўтилмайди ва ишнинг ҳолатидан келиб чиқадиган суднинг хуносалари мавжуд эмас, ҳал қилув қарорининг асослантирувчи қисмида даъвонинг рад этилганлик, айниқса, унинг қисман рад этилганлик асослари ҳар доим ҳам келтирилмайди. Ҳал қилув қарорларининг хуноса қисми тушунарсиз баён этилганлиги сабабли уларни ижро этишда қийинчиликлар келиб чиқмоқда.

Шунингдек, судьялар иш юкламаларининг йилдан-йилга ортиб бориши судда кўрилаётган фуқаролик ишлари ҳал этилишининг кечикиши, суд ҳужжатлари сифатининг тушиб кетишига сабаб бўлмоқда.

Шу билан бирга, фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция суднинг ҳужжатлари бўйича алоҳида илмий тадқиқот ишларининг етарли эмаслиги, суд қарорларини тўғри ва тушунарли расмийлаштиришда хатоликлар мавжудлиги, ўз навбатида, бу борадаги процессуал механизmlарни такомиллаштириш юзасидан таклиф-тавсиялар ишлаб чиқишни тақозо этмоқда. Юқоридаги муаммоларни илмий-назарий жиҳатдан тадқиқ этиш мавзунинг долзарблигини белгилайди.

Ҳар қандай манфаатдор шахс бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш учун фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгилangan тартибда фуқаролик ишлари бўйича судга мурожаат қилишга ҳақли. Суд давлат ҳокимияти органи сифатида кўрилаётган ва ҳал этилаётган масала бўйича суд ҳужжатларидан бирини (ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва бўйруқ) қабул қиласди.

Суднинг қонуний кучга кирган ҳужжатлари барча давлат органлари ва бошқа органлар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир ҳамда Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилиши лозим (ФПКнинг 16-моддаси).

Юридик адабиётларда кўрсатилишича, фуқаролик ишлари бўйича ҳал этиладиган масалаларга кўра, суд ҳужжатлари қуйидаги турларга бўлинади: ҳал қилув қарори, ажрим ва суд бўйруғи [1].

Ш.Ш. Шораҳметов суд қарорлари тўғрисида сўз юритар экан, фуқаролик ишларини кўриш ва ҳал қилишда суднинг мулоҳаза ва хуносалари муайян процессуал шаклда белгилangan тартибда чиқариладиган суд қарорлари тарзида ифода этилишини алоҳида таъкидлайди [2].

Ҳуқуқшунос олим М.М. Мамасиддиқов фикрича, биринчи инстанция суди қарорлари суд ҳокимиятини амалга оширишга қаратилган ҳужжат ҳисобланиб, ҳал қилув қарори ва ажрим кўринишида бўлади. Унинг таъкидлашича, биринчи инстанция судининг қарорлари унинг мазмунини тавсифловчи қўйидаги жиҳатларга эга:

биринчидан, биринчи инстанция судининг қарорлари одил судловни амалга ошириш ваколатига эга бўлган орган – суд томонидан чиқарилади ва барча давлат органлари, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурий бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ижро этилади;

иккинчидан, биринчи инстанция судининг қарорлари амалдаги қонун ҳужжатлари асосида чиқилиб, ҳуқуқни қўллаш ҳужжати ҳисобланади. Биринчи инстанция суди қарорларини чиқариш фуқаролик процессуал қонунчиликда назарда тутилган процессуал шаклда амалга оширилади. Бу эса унинг процессуал тусга эга эканлигини кўрсатади;

учинчидан, суд муайян шахсларга қаратилган ва аниқ фактларга асосланган ҳуқуқни қўллаш актини қабул қиласди;

тўртинчидан, биринчи инстанция суди қарорлари ёзма равища расмийлаштирилиши талаб этилади. Биринчи инстанция суди қарорлари қандай турга мансуб бўлишига қараб, расмийлаштирилиши ҳам турлича бўлади (алоҳида ҳужжат сифатида маслаҳатхонада (алоҳида хонада) чиқариладиган қарор ҳамда суд мажлиси баённомасида қайд этиш билан чекланадиган қарор);

бешинчидан, биринчи инстанция суди қарорлари мажбурий равища ижро этилиши талаб этилади [3].

Россиялик ҳуқуқшунос олим Г.М. Минасян фикрича; ҳеч қайси бир суд ҳужжатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмайди. Суд давлат ҳокимиятидан бири бўлиб, унинг ваколати ҳуқуқни қўллаш ҳисобланади [4]. Мазкур фикрга қўшилган ҳолда, шуни айтиш мумкин-

ки, норматив-хукуқий ҳужжатларни қабул қилиш жараёни субъекти, уларнинг кучи, амал қилиш доираси билан суд ҳужжатларидан бутунлай фарқ қиласди.

Юқоридаги хукуқшунос олимларнинг фикрига қўшилган ҳолда айтиш мумкинки, биринчи инстанция суди қарорлари одил судловни амалга ошириш якуни сифатида суд томонидан қабул қилинадиган ҳужжат ҳисобланиб, ушбу ҳужжатлар ўзининг чиқарилиш жараёни, индивидуаллик, ишда иштирок этувчи шахслар учун мажбурий тусга эга эканлиги билан ажralиб туради.

Суд қарорининг бир тури сифатида суд ҳал қилув қарори судга мурожаат қилган ҳар бир шахснинг бузилган ёки низолашилаётган хукуқи ёхуд қонун билан қўриқланадиган манфаатини ҳимоя қилиш бўйича ишни мазмунан ҳал этиб чиқариладиган ҳужжатдир.

Ш. Шорахметов фикрича, ҳал қилув қарори чиқариш ва тайёрлаш жараёнига катта эътибор бериш талаб этилади. Бу фуқароларнинг ҳал қилув қарорига бўлган ишончини янада оширади [5].

М. Мамасиддиқов мазкур масала юзасидан биринчи инстанция суди ҳал қилув қарорининг қуийидаги ўзига хос белгиларини санаб ўтади:

Биринчидан, суд ҳал қилув қарори одил судловни амалга оширувчи орган қарори ҳисобланади. Мазкур белги биринчи инстанция судининг барча қарорлари учун характерли бўлса-да, бироқ мазкур хусусият ҳал қилув қарори учун алоҳида аҳамият касб этади. Зоро, ҳал қилув қарори низони мазмунан ҳал қиладиган суднинг процессуал ҳужжатидир. Бошқа суд қарорларидан фарқли равишда ҳал қилув қарори Ўзбекистон Республикаси номидан чиқарилади;

Иккинчидан, суд ҳал қилув қарори хукуқни кўллаш акти сифатида суд муҳокамасига якун ясади, тарафлар ўртасидаги низоли моддий-хукуқий низони ҳал қиласди, қонун билан қўриқланадиган манфаатлар ва бузилган хукуқларни тиклайди. Бошқа ҳужжатлар каби суд ҳал қилув қарори ҳам амалдаги қонун ҳужжатлари асосида қабул қилинади ва ҳукуқ нормасини яратмайди;

Учинчидан, суд ҳал қилув қарори ишни мазмунан қўриш натижасида ва процессуал

шаклда чиқарилади. Суд бевосита суд мажлисида иш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатларни аниқлайди ва унинг якунидаги низони мазмунан ҳал қиласди. Фуқаролик процессуал қонунчилик суд ҳал қилув қарорларини чиқариш тартиби ва ушбу жараёнда ечиладиган масалаларга оид нормаларни белгилайди [6].

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб, шуни айтиш мумкинки, биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори ишнинг якуни сифатида ишни мазмунан ҳал этиб, ишда иштирок этувчи шахслар ўртасидаги низоли ёки низосиз масала юзасидан уларнинг бузилган хукуқлари ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатлари ҳимоясини амалда таъминлашга қаратилиб чиқарилган суднинг процессуал ҳужжатидир.

Хозирги кунда фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган хукуқ ва эркинликларини суд орқали ишончли ҳимоя қилиш йилдан-йилга ортиб бормоқда. Жумладан, суд амалиётига эътибор қаратадиган бўлсақ, 2019 йилнинг биринчи ярим йилида фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан 91 минг 744 иш қўриб чиқилиб, шундан 79 минг 420 ҳал қилув қарори чиқарилган. Ушбу қарорлар бўйича талабларнинг 84,4 фойиздан ортиғи қаноатлантирилган. Шунингдек, судлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида Олий суд веб-сайтида жорий йилнинг биринчи ярим йиллигига 304 951 та маълумот жойлаштирилди. Шундан 304 180 та суд қарорлари, 771 та ахборот эълон қилинди [7].

Мазкур статистик маълумотлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, суд ҳал қилув қарорларининг ошкоралик, шаффофлик принциплари асосида эълон қилиниши суд қарорлари устидан жамоатчилик назоратини кучайтириш, фуқароларнинг судга бўлган ишончи ортишига олиб келмоқда.

Дарҳақиқат, келгусида судлар томонидан чиқариладиган ҳал қилув қарорлари ва унинг мазмуни билан боғлиқ процессуал нормаларни такомиллаштириш, бу борадаги хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчиликни ўрганиш, қиёсий таҳлил этиш, уларнинг мақбул жиҳатларини аниқлаш ва ижобий жиҳатларини миллий қонунчиликка имплементация қилиш, фуқароларнинг одил судлов-

га бўлган ишончни орттириш ҳамда уларнинг суд орқали ҳимояланиш ҳуқуқини амалда таъминлаш ҳозирги куннинг давр талабидир.

Ҳуқуқшунос олим З. Эсанова фикрича, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг “Суд ҳужжатлари” номли 6-моддаси, “суд ҳужжатлари ижроси” номли 5-бўлим нормаларини янги ракурсда шарҳлаш, шунингдек, “Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида”ги қонун нормаларини (хусусан, қонуннинг 3-, 5-, 7-моддаси, 2-боб. Ижро иши юритишда иштирок этувчи шахслар) таҳлил қилиш долзарб ҳисобланади [8]. Шундай экан, суд ҳужжатларини ижро этишда, аввало, суд ҳал қилув қарори хулоса қисмида бу масалага алоҳида эътибор қаратиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 253-моддаси бешинчи қисмiga кўра, ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида суд қарорини ижро этиш масаласи ҳақида ҳеч қандай кўрсатма берилмаган. Бу борада хорижий тажрибани ўрганадиган бўлсак, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 204-моддасида, Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 226-моддасида, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 306-моддасида, Эстония Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 445-моддасида суд ҳал қилув қарорини ижро этиш тартиби ва мuddатини аниқ белгилаш ёки дарҳол ижро этишни зарур деб топса ёки ижрони таъминлаш чораларини кўриш тўғрисида суд ҳал қилув қарорининг хулоса қисмида кўрсатиши белгиланган [9]. Фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 253-моддаси бешинчи қисмiga ҳам тегишли қўшимча ўзгартириш киритиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳуқуқшунос олим О. Пирматов фикрича, иқтисодий ва фуқаролик суд ишларида тарафлар тортишувчанлик ва тенглик принципи асосида ўз талаб ва эътиrozларини асослайдиган далилларни тақдим қилиш билан фуқаролик ёки иқтисодий суд ишини ўз фойдасига ҳал қилишга ҳаракат қиласди. Иқтисодий ва фуқаролик суд ишларида суднинг ҳал қилув қарори тарафлар тақдим этган далиллар ва уларни исбот қилишга қаратилган ҳаракатга узвий боғлиқдир [10]. Демак, фуқаролик

ишлари бўйича судда тортишувчанлик принципини амалда таъминлаш, тақдим этилган далиллар асосида суд қарорлари чиқариш, қолаверса, тарафларнинг процессуал жавобгарлигини ошириш мақсадида суд томонидан сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқшунос олим Ш. Шораҳметов сиртдан ҳал қилув қарори чиқаришнинг мақсадига тўхталиб, фуқаролик процессида тортишувчанлик тамойилининг қўшимча равишда кафолатланишини мустаҳкамлаш, тарафларнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун жавобгарлик даражасини ошириш, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, шунингдек, судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларнинг мазмун-моҳиятини йўқотмасдан, ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш орқали манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Сиртдан иш кўриш ва ҳал қилув қарорини чиқариш учун оддий ва ихчам процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкониятидан фойдаланиш вужудга келади [11].

Дарҳақиқат, сиртдан иш кўришнинг асосий мақсади фуқаролик процессида тарафларнинг, айниқса, жавобгарнинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун процессуал жавобгарликни ошириш, низоли масалани ҳал этишни тезлаштириш, шунингдек, судьяларнинг ихтиёрида бўлган ишларнинг мазмун-моҳиятини йўқотмасдан, ўз вақтида кўриш ва ҳал этиш орқали манфаатдор шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборатдир. Сиртдан иш кўриш ва ҳал қилув қарорини чиқариш учун оддий ва ихчам процессуал ҳаракатларни амалга ошириш имкониятидан фойдаланиш вужудга келади.

Ҳозирда сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш институти дунёning жуда кўплаб ҳуқуқ тизимларида амал қилиб келмоқда. Масалан, Англияда Олий суд, шунингдек, графлик судларида кўриладиган оддий ишлардан кўра, ишларни сиртдан кўриб ҳал қилиш сон жиҳатидан бирмунча устунлик қиласди. Худди шунга ўхшаш ҳолат АҚШ, Франция, Германия фуқаролик процессуал ҳуқуқида ҳам мавжуд. Сиртдан иш юритиш институтининг амал қилиб келиш сабаблари, биринчидан, инсон ҳуқуқларининг устуворлиги ҳисобланса, иккинчидан, “вақт – бу пул” деган тамойилга қатъий амал қилинишидир. Зоро, ҳар бир бекор ўтган дақиқалар катта йўқотишларга олиб келиши мумкин [12].

Юридик адабиётларда, хусусан, суд амалиётида ҳам бу борада “сиртдан иш кўриш”, “сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш”, “сиртдан иш юритиш” тушунчалари қўлланилади, лекин асосий мазмун-моҳият ишни сиртдан кўриб ҳал қилишга бориб тақалади. Аслида, бу тушунча иш кўришнинг бир шакли саналиб, фуқаролик процессуал қонунчиликда назарда тутилган умумий процессуал тартиб-қоидаларга (айрим истиснолар билан) асосланади.

Шу ўринда суд амалиётига эътибор қаратадиган бўлсак, сиртдан кўрилиб, бекор қилинган ва қайта кўрилган фуқаролик ишларининг аксарияти қарз ундириш, уй-жой низолари, ўзбошимчалик билан қурилган иморатни буздиришга оид фуқаролик ишларини ташкил этмоқда [13].

Айтиш керакки, сиртдан чиқарилган ҳал қилув қарори даъвогарнинг ҳукуқларини кўшишма кафолатлар билан мустаҳкамлайди, тарафларнинг, айниқса, жавобгарларнинг ўз ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги учун жавобгарлик ҳиссини оширади. Шунингдек, даъвогарнинг бузилган ҳукуқ ва қонуний манфаатлари қайта тикланишига кўмаклашади, энг асосийси, жавобгарнинг суд томонидан ишни мазмунан қонун доирасида кўриш даврида бўлар-бўлмас важлар билан суд мажлисини кейинга қолдиришининг олдини олишга хизмат қиласди.

Ўз навбатида, адабиётлarda агар даъвогар суд мажлисига келмаса, сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш масаласи бирмунча баҳсли ҳисобланиши ҳақида фикр-мулоҳазалар илгари суриб келинади. Таъкидлаш керакки, айрим хорижий давлатлар фуқаролик процессуал қонунчилигида суд мажлисига жавобгар ва даъвогар узрли сабабларсиз келмаса, иш сиртдан кўрилиб, сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилиши назарда тутилган.

Масалан, Германия Федератив Республикасининг Фуқаролик процессуал кодексининг 330- ва 331-параграфларида тарафлардан бирининг (у хоҳ жавобгар бўлсин, хоҳ даъвогар бўлсин) суд мажлисига узрли сабабларсиз келмаслиги иш бўйича сиртдан ҳал қилув қарори чиқарилишига асос бўлиши назарда тутилган [14].

Бироқ мазкур қоиданинг қонунчиликда мустаҳкамланишига қарши эътиroz билан чиқаётган ҳукуқшунос олимлар ва турли му-

тахассислар ҳам йўқ эмас. Масалан, рус олими Г.В. Молеванинг фикрича, процессда ҳар иккала тарафни ҳам бир хилда тенг кўриб бўлмайди – даъвогар ва жавобгарнинг процессуал ҳолати ўртасида жиддий фарқ кўзга ташланади. Шунинг учун ҳам уларнинг суд процессига келмаслиги оқибати ҳам турлича бўлиши керак [15].

Рим ҳукуқида муҳим бир қоида белгиланган: “даъвогарсиз судья бўлмайди”. Дарҳақиқат, даъвогар суд процессида бошлаш тўғрисида қарор қабул қиласди, даъво предмети унинг измида бўлади ва уни бошқаради. Шунинг учун ҳам юридик адабиётларда машҳур процессуалчи олимлар томонидан даъвогарнинг фаолияти – таянч нуқта, суд ишларини юритишини бошлаб берадиган двигатель деган фикрлар ҳам илгари сурилади. Худди шу олимларнинг яна таъкидлашича, даъвогар давлат божини тўлаган экан, демак, уни даъво талабларини бошқариш каби ҳукуқлардан маҳрум қилиш адолатдан эмас [16].

Айрим олимлар эса даъвогарнинг суд процессига келмаслиги унинг иш якунидан манфаатдор эмаслиги ва қайсиdir маънода ҳукуқ тўғрисида низолашишга ҳожат йўқлигини англатишини таъкидлайди [17].

И.В. Уткина юқорида илгари сурилган нуқтаи назарларни таҳлил қиласди. Даъвогарга нисбатан сиртдан иш юритиш институтини татбиқ этиш бўйича бирмунча асосли фикрларни илгари суради. Улар қуйидагилардан иборат:

1. Ишда иштирок этувчи шахслар учун суд мажлисига кела олмаслик сабаблари тўғрисида судни огоҳлантириш юзасидан бир хил мажбурият юклатилган. Шундай экан, ҳар иккала тарафга ҳам бу борада бир мажбурият юклатилдими, демак, уни тегишлича ижро этмаганлик учун ҳам бир хил оқибат юзага келиши лозим;

2. Суд ҳар иккала тарафнинг иштирокида ёхуд у ёки бу тарафнинг иштирокисиз суд процессини кўриб чиқар экан, у одил судловни амалга ошириш каби ўз зиммасига юклатилган вазифани бажариши шарт ва бирон-бир тарафнинг процессуал ҳолатини эгалламайди;

3. Жавобгар ишнинг қандай ҳал этилишига таъсир кўрсатадиган ишда иштирок этувчи муҳим субъектлардан бири ҳисобланади. Даъ-

вогар томонидан даъво аризаси тақдим этилганидан кейин ишнинг кейинги ҳаракатланиши ва ривожланишида жавобгарнинг ташаббуси ҳам ҳал қилувчи омиллардан бири ҳисобланади. Масалан, жавобгар даъвони тан олиш ҳуқуқига эга ёки даъвогарга нисбатан қарши даъво қўзғатишга ҳақли бўлади. Шундай қилиб, судда иш кўришнинг кейинги тақдири фақат даъвогарнинг хоҳиш-иродасига боғлик, деган фикрга тўлиқ қўшилиб бўлмайди, деган фикрни илгари суради [18].

Ундан ташқари, амалдаги фуқаролик процессуал қонунчилик даъвогарда ўз процессуал ҳуқуқларини суистеъмол қилишга ҳуқуқ беради. Хусусан, даъвогар судга асослантирилмаган даъво тақдим этиб, кейинчалик суд мажлисида ҳозир бўлмаслиги орқали суд процессини атайлаб чўзишга ҳаракат қилиши ҳам мумкин. Даъвогарнинг ҳозир бўлмаслиги эса иш кўришни кейинга қолдириш ва иш кўришнинг янги вақтини белгилашга олиб келади. Бу эса жавобгарнинг манфаатларига мувофиқ келмаслиги билан бирга, судъяларнинг ҳам иш юкламаларни кўпайтиришга, ишнинг мазмунан ҳал этилмай, ойлаб чўзилиши каби нохуш ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўз навбатида, қонунга итоат этувчи жавобгар бунинг натижасида молиявий харажатлар қилиши, вақтини бехудага ўтказиши ва энг ёмони руҳан эзилиши мумкин. Зеро, жавобгарнинг уйига ёки иш жойига унинг муайян иш бўйича жавобгар сифатида жалб этилиши турли нохуш ҳодисаларни юзага келтириши ҳеч кимга сир эмас.

Сиртдан иш юритиши институти нафақат жавобгар, балки даъвогарнинг ҳам суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги натижасида қўлланилишига оид нормалар мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг "Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш" деб номланган 26-бобига киритилиши тақлиф қилинади.

Суд ҳужжатларининг яна бир тури сифатида **суд буйруғи** ишларни соддалаштирилган тарзда ҳал этишда мухим аҳамият касб этади. Суд буйруғи суд ҳужжатларининг тури сифатида эътироф этилиши ҳам юридик адабиётларда турли баҳс ва мунозаларга сабаб бўлмоқда. Хусусан, Н.А. Громошинанинг фикрича, суд буйруғи ҳал қилув қарор билан бир турда эмас, яъни суд қарори деб ҳисобланмайди [19].

Айрим ҳуқуқшунос олимлар эса бошқача нуқтаи назарни илгари сурадилар. В.И. Решетняк ва И.И. Черныхларнинг фикрича, суд буйруқлари суд қарорларининг турларига мансуб ҳисобланади [20].

Бизнинг фикримизча, ҳуқуқшунос олимлар В.И. Решетняк ва И.И. Черныхларнинг фикрига қўшилган тарзда айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 6-моддасига кўра, кўрилаётган ва ҳал этилаётган масалалар бўйича суд ҳал қилув қарори, ажрим, қарор ва буйруқ қабул қиласди. Бу эса мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида суд буйруғи суд ҳужжатлари турига мансуб эканлиги белгиланганлигидан далолат беради.

Фуқаролик ишлари бўйича судларда судъяларнинг иш юкламаларини камайтириш, вақтини тежаш, тарафларни ортиқча овора қилмаслик, уларни ортиқча харажатлардан сақлаш, қисқа муддатларда бузилган ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда суд буйруғи мухим ўрин эгаллайди. Ўз навбатида, амалиётчилар ҳам суд буйруғи институтининг аҳамияти ҳақида гапириб, фуқаролар ўртасидаги низоли бўлмаган фуқаролик муносабатларини ортиқча сансалорликларсиз тартибга солиш имкониятини яратди, деб таъкидлайди [21]. Ш.Ш. Шораҳметовнинг таъкидлашича, айрим ишларни суд буйруғи тартибида кўриш манфаатдор шахсларнинг қонунларда белгилangan процессуал ҳуқуқларини поймол қилмаган ҳолда, иш қўзғатмасдан аризани ҳал этиш имконини берди. Ишларни кўриб ҳал этишнинг бу тартиби иш кўришни осонлаштириш билан бир қаторда шахсларнинг қонуний ҳуқуқларини кафолатлайди [22].

Шу ўринда суд буйруғи билан боғлик аризаларнинг кўрилишига оид статистик маълумотларга мурожаат қиласиган бўлсак, 2017 йилда биргина фуқаролик ишлари бўйича судларда 788 349 та суд буйруғи чиқарилган бўлса, 2018 йилнинг январь-июнъ ойларида республика судлари томонидан 188 387 та суд буйруғи чиқарилган. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий сайтидаги статистик маълумотларга кўра, фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан республика бўйича 2018 йилда 236 030 та, 2019 йилда 88 655 та,

2020 йилнинг 9 ойида 50 233 та суд буйруғи чиқарилган [23].

Бу эса, ўз навбатида, фуқаролик суд ишларини юритиш тўғрисидаги қонунчиликдаги соддалаштирилган иш юритишнинг муҳим шаклларидан бири бўлмиш буйруқ тартибида иш юритиш институтини янада такомиллаштириш, унинг имкониятларидан самарали фойдаланишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг “Суд буйруғига оид умумий қоидалар” деб номланган 170-моддасида ҳам суд буйруғи низосиз талаблар бўйича суд муҳокамаси ўтказмасдан берилган суд хужжати эканлиги, суд буйруғи ижро хужжати кучига эга бўлиб, суд хужжатларини ижро этиш учун белгиланган тартибда амалга оширилиши белгиланган [24].

Суд буйруғига берилган шунга ўхшаш таъриф бошқа хорижий давлатлар Фуқаролик процессуал кодексларида ҳам учрайди. Хусусан, Беларусь Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 394-моддаси биринчи қисмида суд буйруғига айнан шундай таъриф берилган [25].

Бироқ Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 121-моддасида суд буйруғига берилган таърифда суд буйруғи – ундирувчининг пул маблағларини ундириш ёки кўчар мол-мулкни қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья томонидан якка тартибда чиқариладиган суд қарори эканлиги белгиланган [26].

Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 134-моддаси биринчи қисмида эса суд буйруғи “қарздор ва ундирувчини улар тушунтиришларини эшлиши учун чақиравларсиз ҳамда суд муҳокамасиз талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья томонидан чиқариладиган хужжат эканлиги, Озарбайжон Фуқаролик процессуал кодексининг 175-моддаси иккинчи қисмида бундай ишлар бўйича судлар ижро хужжати ҳисобланувчи суд буйруғи шаклида хужжатларни қабул қилиши баён қилинган.

Озарбайжон Фуқаролик процессуал кодексининг 175-моддаси биринчи қисмида “пул суммаларини ундириш ёки мол-мулкни талаб қилиб олиш бўйича соддалаштирилган тартибда иш юритишга йўл қўйилиши белгиланиб, бу ишлар бўйича суд буйруғи шаклида су хужжати чиқарилиши белгиланган” [28]. Юқорида қайд этиб ўтилган давлатлар қонунчилик тажрибасида суд буй-

руғига берилган таърифларда жиддий тафовутлар йўқ.

Мазкур давлатлар қонунчилигига суд буйруғини чиқариш бўйича талабларда, суд буйруғини расмийлаштириш, унинг шакли ва мазмунига оид нормаларда суд буйруғига нисбатан берилган таърифлардаги ўхшашликлардан фарқли равишда тафовутлар кўзга ташланади. Масалан, Беларусь Фуқаролик процессуал кодексининг 394-моддаси иккинчи қисмида буйруқ тартибида иш юритиш судья томонидан суд буйруғи тўғрисида ажрим чиқариш билан тамомланиши, Россия Федерацияси Фуқаролик процессуал кодексининг 121-моддасида суд буйруғи ундирувчининг пул маблағларини ундириш ёки кўчар мол-мулкни қарздордан талаб қилиб олиш тўғрисидаги аризаси бўйича судья томонидан якка тартибда чиқариладиган суд қарори эканлиги белгиланган бўлиб, бу ҳолат Ўзбекистон, Россия Федерацияси, Озарбайжон ва Қозоғистон фуқаролик процессуал қонунчилигидаги нормалардан фарқ қиласди. Қозоғистон Фуқаролик процессуал кодексининг 134-моддасида суд буйруғи судья томонидан чиқариладиган хужжат эканлиги, Озарбайжон Фуқаролик процессуал кодексининг 175-моддаси иккинчи қисмида бундай ишлар бўйича судлар ижро хужжати ҳисобланувчи суд буйруғи шаклида хужжатларни қабул қилиши баён қилинган.

Юқоридағи фикрлардан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, суд буйруғи фуқаролик ишлари бўйича биринчи инстанция судя томонидан чиқариладиган алоҳида хужжат ҳисобланади ҳамда суд буйруғи ўзига хос бўлган қўйидаги белгилари билан суднинг бошқа хужжатларидан фарқ қиласди:

- суд буйруғи низосиз талаблар бўйича суд муҳокамаси ўтказмасдан чиқарилади (ФПКнинг 170-моддаси);
- суд буйруғининг ўзи ижро хужжати ҳисобланади (ФПКнинг 170-моддаси);
- суд буйруғи фақат қонунда белгиланган асослар (ФПКнинг 171-моддаси) мавжуд бўлгандагина чиқарилади;
- суд буйруғи чиқарган судья уни бекор қилиш ҳуқуқига эга (ФПКнинг 171-моддаси);
- суд буйруғи суд номидан чиқарилади (ФПКнинг 178-моддаси);

- суд буйруғи икки қисмдан, яъни кириш ва хulosадан иборат (ФПКнинг 178-моддаси).

Хозирги кунда суд буйруғини чиқариш бўйича ишларни янада соддалаштириш мақсадида ахборот коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш керак. Масалан, германиялик олим, судья Хайнрих Шнитгернинг таъкидлашича, Германияда суд буйруғи даъво тартибида кўриладиган ишларга нисбатан олти маротаба кўп чиқарилади. Суд буйруғи низосиз талаблар бўйича чиқарилган ижро ҳужжати ҳисобланади. Германияда ушбу ишни юритишда судья иштирок этмайди. Бу ишларни суд ходимлари (судья ҳисобланмаган) баъзаради. Шунингдек, ушбу жараёни электрон технология асосида тизимли амалга оширилади. Аризани Интернет орқали бериш мумкин [29].

Юқоридаги ижобий тажрибадан келиб чиқиб, судьяларнинг иш юкламаларини қисқартириш, низосиз талаблар бўйича суд буйруғи чиқарилишини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг “Суд буйруғи” номли 18-бобига суд буйруғини судья ёрдамчиси чиқариши тўғрисида норма киритиш мақсадга мувофиқ.

Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарорларидан фарқли равища ишни мазмунан ҳал қилмайдиган қарор ҳам мавжудки, улар ажримлар деб айтилади.

Шу билан бирга, фуқаролик ишини кўришда вужудга келадиган масалалар бўйича ажримларнинг ўз вақтида ва тўғри чиқарилиши, уни белгилангандек суд муҳокамасига тайёрлаш, процесс иштирокчиларининг ҳуқуқларини амалга ошириш қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори қабул қилишга ёрдам беради [30].

Дарҳақиқат, суд ажримлари фуқаролик процессининг бошланишидан то суд ҳужжатларини ижро этишга қадар чиқарилади, яъни аризани қабул қилиш, аризани ҳаракатсиз қолдириш, аризани қайтариш, аризани қабул қилишни рад этиш, фуқаролик ишини қўзғатиш, ишни судда кўришга тайёрлаш, ишни судда кўришга тайинлаш, далилларни тўплаш, даъвони таъминлаш, келишув битимини тасдиқлаш, суд топшириғи юбориш, экспертиза тайинлаш, процессга янги шахсларни жалб қилиш, ишни кейинга қолдириш, иш юритишни

тўхтатиш, ишни тугатиш, аризани кўрмасдан қолдириш, апелляция шикояти (протести), кассация шикояти (протести)ни ҳаракатсиз қолдириш, ижро иши юритишни тўхтатиш, тугатиш тўғрисидаги ажримлар ва бошқалар.

Юридик адабиётларда суд ажримларини турли хил мезонларга қараб таснифлаш кўп учрайди. А.А. Мохова суд ажримларини субъекти, шакли ва мазмунига кўра таснифлайди[31].

Бизнинг фикримизча, суд ажримларини мазмунни, субъекти, шакли, чиқарилиш жойи ва хусусий шикоят (протест) қилиш тартибига кўра қўйидагича таснифлаш мақсадга мувофиқдир:

**мазмунига қўра:** тўлдирувчи, аниқловчи, ишни тўхтатувчи, ишни тугатувчи, рад қилувчи, процессуал мажбурлов чоралари қўлловчи ва ҳ.к.;

**субъектига қўра:** якка тартибда ва коллегиал тартибда чиқариладиган ажримлар;

**шаклига қўра:** алоҳида процессуал ҳужжат шаклида ва суд мажлиси баённомасида расмийлаштириладиган ажримлар;

**чиқарилиши жойига қараб:** алоҳида хонада ва суд мажлисида чиқариладиган ажримлар;

**хусусий шикоят (протест) келтириш тартибига қўра:** хусусий шикоят (протест) келтириш мумкин бўлган ва хусусий шикоят (протест) келтириш мумкин бўлмаган ажримлар.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, биринчи инстанция суди ҳужжатларини такомиллаштириш мақсадида қўйидаги назарий хulosса, таклиф ва фикр-мулоҳазалар ишлаб чиқилди.

1. Биринчи инстанция суди ҳужжатлари тушунчаси илмий-назарий таҳлил этилиб, унга қўйидагича муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди: Биринчи инстанция суди ҳужжатлари деб одил судловни амалга ошириш бўйича фуқаролик ишлари бўйича суд томонидан чиқариладиган ҳал қилув қарори, ажрим, суд буйруғи ва қарорга айтилади.

2. Биринчи инстанция суди ҳужжатлари турлари илмий-назарий таҳлил этилиб, ҳеч қайси бир суд ҳужжатлари норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланмаслиги, суд давлат ҳокимиётидан бири сифатида унинг ваколати ҳуқуқни қўллаш ҳисобланиши ҳақида хulosaga келинди.

3. Суд буйруғи илмий-назарий таҳлил этилиб, биринчи инстанция суди ҳужжатларининг мустақил бир тури эканлиги, ўзига хос хусусиятлари билан бошқа суд ҳужжатларидан фарқ қилиши асослантириб берилди.

4. Суд ажримлари таҳлил этилиб, уларни мазмуни, субъекти, шакли, чиқарилиш жойи, хусусий шикоят (протест) келтириш тартибига кўра таснифлаш мақсадга мувофиқ эканлиги қайд ётилди.

5. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 253-моддаси бешинчи қисмини қўйидаги таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ:

Хал қилув қарорининг хулоса қисмида суднинг арз қилинган талабларни қаноатлантириш ёхуд бутунлай ёки қисман рад этиш тўғрисидаги хулосаси, суд харажатларининг тақсиланиши, ҳал қилув қарори устидан шикоят бериш муддати ва тартиби, суд ҳал қилув қарорининг ижро этиши тартиби ва муддати, агар дарҳол ижро этиладиган ҳал қилув қарори бўлса, уни ижро этиши тартиби кўрсатилиши лозим.

6. Сиртдан иш юритиш институти нафақат жавобгар, балки даъвогарнинг ҳам суд мажлисига узрсиз сабабларга кўра келмаганлиги натижасида қўлланилишига оид нормалар мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексининг "Сиртдан ҳал қилув қарори чиқариш" деб номланган 26-бобига киритилиши тақлиф қилинади.

7. Суд буйруғи чиқариш бўйича ишларни янада соддалаштириш мақсадида ахборот коммуникация технологияларини янада кенг жорий этиш керак. Масалан, Германияда ушбу иш юритишида судья иштирок этмайди. Бу ишларни суд ходимлари (судья ҳисобланмаган) бажаради. Шунингдек, ушбу жараён электрон технологиялар асосида тизимли амалга оширилади. Юқоридаги ижобий тажрибадан келиб чиқиб, судьяларнинг иш юкламаларини қисқартириш, низосиз талаблар бўйича суд буйруғи чиқарилишини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг "Суд буйруғи" номли 18-бобига суд буйруғини судья ёрдамчиси чиқарishi тўғрисида норма киритиш мақсадга мувофиқ,

## REFERENCES

1. Grajdanskiy protsess: Uchebnik / Pod red. M.K. Treushnikova. - 6-ye izd., pererab. i dop. Moscow, Izdatelskiy Dom "Gorodets", 2018, p. 398.
2. Shoraxmetov Sh.Sh. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual huquqi. Toshkent, Adolat, 2001, p. 231.
3. Mamasiddiqov M.M. Fuqarolik protsessual huquqi. Umumiy qism. Darslik. Tashkent, TDYI nashriyoti. 2010, pp.482-483.
4. Minasyan Goar Mikaelovna. Resheniya i opredeleniya sudov pervoy instansii obЩeye yurisdiksii. Dissertatsiya na soiskanie uchenoy stepeni kandidata yuridicheskix nauk. Moscow, 2010, p. 172.
5. Sh.Sh.Shoraxmetov. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksiga sharhlar. Tashkent, TDYI, 2010, p. 458.
6. Mamasiddiqov M.M. Fuqarolik protsessi. O'quv qo'llanma. Tashkent: Baktria press, 2014, pp.319-320.
7. Odil sudlovni amalga oshirishda sudlar faoliyatining 2019-yil birinchi yarim yillik yakunlari// <http://sud.uz/odil-sudlov/>
8. Z.N. Esanova. Ijro ishi yurituvu ishtirokchilar: nazariy qoidalar va tahliliy natijalar // J. Yuridik fanlar axborotnomasi. 2020, No. 2, p. 34.
9. Grajdanskiy protsessualnyy kodeks Rossiyskoy Federatsii. <http://www.consultant.ru>; Grajdanskiy protsessualnyy kodeks Respublikni Kazaxstan <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>; Grajdanskiy protsessualnyy kodeks Respublikni Belarus. <http://pravo-kulichki.com>; Grajdanskiy protsessualnyy kodeks Respublikni Estonii. <https://www.juristaitab.ee>.
10. O.Sh. Pirmatov. Fuqarolik sud ishlarini raqamlashtirishda elektron dalillarni blokcheyn dasturiga solishning zarurati // J. Huquqiy tadqiqotlar jurnali. 2020, No. 10, p. 24.

11. Shorahmetov Sh.Sh. O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksiga sharhlar. Tashkent, TDYUI nashriyoti, 2010, p. 511.
12. Reshetnyak V.I. Chernyh I.I. Zaochnoe proizvodstva i sudebnyy prikaz v grajdanskem protsesse. Moscow, 1997, pp. 5-8.
13. Ikromov A. Sirdan ish yuritish tartibi amalda fuqarolarning huquq va qonuniy manfaatlari himoyasiga xizmat qilmoqda // <https://supcourt.uz>
14. Zivilprozessordnung in der Fassung der Bekanntmachung vom 5. Dezember 2005 (BGBl. I S. 3202 (2006 I S.431) (2007 I S. 1781)), die Zuletzt durch Artikel 1 des Gesetzes vom 5. Dezember 2012 (BGBl. I S. 2418) geandert worden ist // URL: <http://www.gesetze-im-internet.de/bundesrecht/zpo/gesamt.pdf> (data ob-гащеня: 27 dekabrya 2012 g.).
15. Moleva G.V. Pravo na sudebnyyu zaщitu otvetchika: diss. ... kand. yurid. nauk. Saratov, 1993, p. 11.
16. Reshetnyak V.I., Chernykh I.I. Zaochnoe proizvodstva i sudebnyy prikaz v grajdanskem protsesse: ucheb. Posobie. Moscow. Yurid. byuro. "Gorodets", 1997, pp. 16-17; Chernykh I.I. Zaochnoe proizvodstva v grajdanskem protsesse. Moscow, 2000, pp. 20-22.
17. Lonskaya S. Zaochnoe reshenie v grajdanskem protsesse: trebuetsya utochneniya // Rossiyskaya yustitsiya. 2002, No 3, p. 10; Chernykh I.I. Zaochnoe proizvodstva v grajdanskem protsesse. Moscow, 2000, p. 21.
18. Utkina I.V. Zaochnoe reshenie v grajdanskem protsesse. Moscow, 2003, pp. 119-131.
19. Grajdansko protsessualnoe pravo: Uchebnik / S.A. Alexina, V.V. Blajeev i dr. Pod red. M.S. Shakaryan. Moscow, TK Velbi, Izd-vo Prospekt, 2014, p. 304.
20. Reshetnyak V.I., Chernykh I.I. Zaochnoe proizvodstvo i sudebnyy prikaz v sudebnom protsesse. Moscow, 1997, p. 53.
21. Yodgorov X. Sud buyrug'i: sud islohotlari samarasi. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudining Axborotnomasi. 2003, No. 4, p. 12.
22. Shoraxmetov Sh.Sh. Sud buyrug'i instituti samarali ish yuritish turidir // Huquq va burch. 2006, № 3, pp. 13.
23. O'zbekiston Respublikasi Oliy sud Rayosatining Respublika sudlarining 2018-yil birinchi yarmida odil sudlovni amalga oshirish borasidagi faoliyati yakunlari hamda kelgusidagi vazifalari to'g'risidagi qarori; [https://stat.sud.uz/file/2018-2019-2020-9%20\\_oylik.pdf](https://stat.sud.uz/file/2018-2019-2020-9%20_oylik.pdf).
24. O'zbekiston Respublikasining 2018-yil 22-yanvardagi "O'zbekiston Respublikasining Fuqarolik protsessual kodeksini tasdiqlash haqida"gi O'RQ-460-sonli Qonuni // O'zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to'plami, 2018-y. 29-yanvar, 4-son, 65-modda.
25. Grajdanskiy protsessualnyy kodeks Respubliki Belarus. <http://pravo.kulichki.com>.
26. Grajdanskiy protsessualnyy kodeks Rossiyskoy Federatsii. <http://www.consultant.ru>.
27. Grajdanskiy protsessualnyy kodeks Respubliki Kazaxstan. <http://www.frmp.kz/cgi-bin/index>.
28. Grajdanskiy protsessualnyy kodeks Azerbaydjanskoy Respubliki. base. spinform.ru/show\_doc.fwx ?rgn=2585
29. Xaynrix Shnitger. Pravo sravnitelnye kommentarii po Grajdanskemu protsessualnomu kodeksu Uzbekistana // Sbornik statey mejdunarodnogo kruglogo stola na temu: "Aktualnye voprosy razvitiya grajdanskogo protsessualnogo prava". Tashkent, TGYU, 2018, p.15.
30. O'zbekiston Respublikasi Oliy sudi Plenumining 2019-yil 25-oktyabrdagi "Fuqarolik ishlari bo'yicha birinchi instansiya sudining ajrimlari to'g'risida"gi qarori. Lex.uz.
31. Moxov A.A., Voronsova I.V., Semyonova S.Y. Grajdanskiy protsess (grajdanskoe protsessualnoe pravo) Rossii: uchebnik / otv. red. A.A. Moxov. Moscow, OOO "Yuridicheskaya firma kontrakt", 2017. <http://www.consultant.ru/edut>.